



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ТАРБИЯВИЙ-ПСИХОЛОГИК ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Мирзабаев Аскар Мирзабаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15322243>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2025

Accepted: 20th April 2025

Published: 30th April 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Жамиятимизда амалга оширилган ислохотлар жараёни асосий ва долзарб масала сифатида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни биринчи ўринга қўймоқда. Кадрлар тайёрлашда уларнинг жисмонан ва руҳан пишиқ, абжир бўлиши, теран фикрлайдиган, эрта кўра биладиган, матонатли, иродали бўлиши билан бирга одобли, маданиятли ва қолаверса тарбияли шахс бўлиб етишгани профессионализмнинг асосий мезонларидандир.

Шу ўринда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масаладир” – деб айтган сўзлари бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллиштиришда кадрларга бўлган талаб ва уларни такомиллаштириш муаммосининг аҳамиятини белгилайди.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини муваффақиятини белгиловчи яна бир хусусият бу – касбий психологик кузатувчанлик бўлиб, ходимнинг сезилар сезилмас белгилар асосида шахсларни товуш, ишора, мимикаси, хатти-ҳаракати, қиёфаси, ўзини тутиши ўртасидаги тафовутларни осон пайқаш, бир биридан фарқлай олиш хусусияти ҳисобланади¹.

Ходимнинг ўз камчиликларини тан олиши, таълим, тарбия вақтида камчиликларни кўра олиши уларни бартараф этиш демақдир. Камчиликларни яшириш, қийнчиликларни кўрсатмаслик фаолият самарадорлигини сусайтирувчи хусусиятга эга.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, асрлар давомида сайқалланиб келаётган анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Барча соҳалар сингари, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида ҳам маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ходимларнинг билим савиясини янада ошириш, юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий мақсади фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг

¹ Левитов Н.Д. Фрустрация – один из видов психических состояний//Вопросы психологии, № 6. С.120.

мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир².

Зотан, ички ишлар органлари ходимларини давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг II йўналишида (“Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”)нинг 17-мақсади: “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш” деб номланиб, унда “Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш”³ вазифаси белгиланган.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил

25 октябрдаги ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами муносабати билан сўзлаган нутқида: “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоеън этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади”, дея таъкидлагани айни ҳақиқатдир. Бугунги кунда мамлакатимизда ички ишлар органларининг фаолияти очиқ ва ошкоралик йўсинида, фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этилмоқда. “Одамларни эшитиш, муаммолари, дарду ташвишларини ўрганиш тизими яратилди”⁴.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўз ҳимоячисини кўриши керак” деган фикрида эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, халқимизнинг осуда ҳаётини асраб-авайлаш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи эканлигини теран англашимиз лозим.

Бугун давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришга ғоят муҳим вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, Зеро, бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратаёلمиз”⁵, деб таъкидлаб ўтганлар.

Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш ва соҳа ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми янада такомиллаштириш борасида юртимизда самарали ишлар амалга оширилди. Ушбу ишларни амалга ошириш уч босқичдан иборат бўлиб, булар: биринчи босқич, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини

² Қаранг: Жўраев М.У. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш: юрид. фан. док-ри. (PhD). дис. ... автореф. – Т., 2022. – Б.11-12.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони. lex.uz.

⁴ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами муносабати билан сўзлаган нутқи.

⁵ Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. <https://uza.uz>.

ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарори қабул қилиниши; иккинчи босқич, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори қабул қилиниши; учинчи босқич, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори қабул қилиниши бўлди⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “... инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш...”⁷ соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилганлигини баён этилди. Мазкур ислохотлар негизида ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, унинг ҳар бир ходими “**Халқ манфаатларига хизмат қилиш**”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш жараёнлари кундан-кун мураккаблашиб, янада долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни самарали бажариш жараёнлари ички ишлар органларининг кадрлари билан ишлаш фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлашни ташкил этиш борасидаги вазифалари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида кадрлар билан ишлаш хизмати ва унинг таркибий тузилмалари зиммасига юклатилган. Ички ишлар органларининг кадрлар бўлинмалари ички ишлар органларидаги мустақил таркибий тизимлардан бири бўлиб, унинг асосий фаолияти ички ишлар органлари хизматига фуқароларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, уларнинг хизматда кўтарилиши ва бошқа лавозимга ўтиши, шунингдек касбий тайёргарлигини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оилаларига ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя этиш ҳамда ташкилий-штат ишлари соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ.

Мазкур ислохотлардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди. Дастурнинг 3-бандида кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари назарда тутилди.

Тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, **биринчидан**, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий ва замон талаблари асосида қўйилаётган янги

⁶ Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.

⁷ Қаранг: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.

вазифаларни самарали бажарилишини таъминлай оладиган, **иккинчидан**, халқаро ҳуқуқ номалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларига, шунингдек миллий қонун талаблари асосида давлат хизматчиси, хусусан, ички ишлар органлари ходимларидан юсак маънавий, ахлоқий, касбий фазилатларга эга бўлган профессионал мутахассис кадрлар бўлишни талаб қилади.

Шу ўринда, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, булар қуйидагилар: ходимларни юқори касбий тайёргарликка эга, жисмонан ва маънан етук, билимли, ҳалол, ватанпарвар, мард ва жасур этиб тарбиялаш; ходимларнинг фаол ҳаётий позициясини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, она Ватан тақдирига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда ғоявий ва турли ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш; ходимларни фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини садоқат ва фидойилик билан виждонан бажаришга йўналтириш⁸.

Фикримизча, ушбу вазифаларни белгилангандан мақсад, ички ишлар органлари ходимларини ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий кадриятларга содиқ, умуминсоний кадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга муросасиз курашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишдан кўзланадиган натижалар қуйидагилар деб биламиз:

– ходимларнинг маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий кадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш; ходимларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англатиш, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда касбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш орқали халқнинг уларга бўлган ишончи ва ҳурмат ҳиссини юксалтириш;

– ходимларнинг онги ва қалбига “Янги Ўзбекистон – учинчи Ренессанс сари!” ғоясининг мазмун-моҳиятини сингдириш асосида уларнинг Ватан ва халқ тақдирига, давлатимиз ҳамда ислоҳотлар талабларига дахлдорлигини янада ошириш;

– шахсий таркибга мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоийиқтисодий ислоҳотлар, қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тизимли тушунтириш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларнинг онгли муносабати ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш;

– миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, Ватанимиз озодлиги ва тинчлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ходимларда хизмат бурчини бажариш борасида қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

– ходимларнинг эстетик тарбиясини кучайтириш, уларнинг маданият ва санъатнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишларини ошириш, ушбу мақсадда адабиёт, кино, театр, тасвирий санъат имкониятларидан кенг фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойатчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz>.

– ходимларнинг ички ва ташқи маънавий таҳдидлар ҳамда коррупцияга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, ички ишлар органларининг ижобий имижини шакллантириш ҳамда шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ички ишлар органлари фаолиятдан қаноатланиш даражасини янада ошириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- 1) ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомиллар такомиллаштирилмоқда;
- 2) ички ишлар органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби такомиллаштирилмоқда;
- 3) “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш орқали ички ишлар органлари тизимида давлат хизматларини кўрсатишнинг самарадорлиги оширилмоқда.

Ички ишлар органлари тизимида, хусусан, унинг кадрлар билан ишлаш соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Адолат – қонун устуворлигида” деган ғояларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун юксак маънавий ва юқори даражада касбий тайёргарликка эга бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустақам кафолатлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш борасида фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ўрни беқиёс.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгилиниш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айти пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракати билан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонунларга риоя қилишлари улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш,

хуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини амалга оширадilar. Ўз ваколатларидаги ишлар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадilar, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминлайди. Ички ишлар органлари вазифаларини амалга оширишнинг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади. Хулоса ўрнида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш маънавий-маърифий тарбия ўз ичига миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли умр йўлини кенг тарғиб этиш тадбирларини қамраб олиб, хизмат бурчини бажариш бўйича қатъий ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Левитов Н.Д. Фрустрация – один из видов психических состояний // Вопросы психологии, № 6. С.120.
2. Қаранг: Жўраев М.У. Ички ишлар органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш: юрид. фан. док-ри. (PhD). дис. ... автореф. – Т., 2022. – Б.11-12.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон фармони. lex.uz.
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 октябрдаги ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами муносабати билан сўзлаган нутқи.
5. Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. <https://uza.uz>.
6. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи // Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
7. Қаранг: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz>.